

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари



17:41 / 29.11.2017 5326

2679. Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Анасга:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари қандай эди?» дедим.

«Сочлари тўлқинсимон: жуда жингалак ҳам, жуда силлиқ ҳам эмас эди. Икки қулоқлари билан елкаларининг ўртасида эди», деди».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

2680. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари елкаларига уриб турарди».

Бошқа бир ривоятда:

«Қулоқларининг ярмига»

Яна бошқа бир ривоятда:

«Икки қулоқларининг юмшоқ ерига», дейилган.

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бундан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сочлари баъзи вақтларда янги олдирган ва ўсган пайти эцтиборидан қулоқларининг уст қисмида, баъзи вақтда қулоқларининг юмшоқ жойига баробар ва баъзида елкаларига тегиб турадиган ҳолатлар бўлгани келиб чиқади.

2681. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аҳли китоблар сочларини тушириб юришар эди. Мушриклар эса бошларидан фарқ очар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига амр қилинмаган нарсада аҳли китобларга мувофиқ иш қилишни яхши кўрар эдилар. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пешона сочларини тушириб юрдилар. Сўнгра, кейинроқ фарқ очдилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ўша пайтда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар бутпараст мушриклар ва аввал самовий китобга эга бўлган яҳудий ҳамда насронийлар билан алоқада бўлар эдилар. Баъзи ишларда мазкур икки томондан бирини танлаш зарурати туғилиб қолар эди. Шунда мусулмонлар доимо аҳли китоблар томонини олар эдилар. Мисол учун, Рум ва Форс давлатлари уруш қилсалар, аҳли китоб бўлгани учун мусулмонлар румликларнинг тарафини олар эдилар. Чунки Ислоҳ ҳам ана шу аҳли китоблар ишининг охириги ва мукамал нуқтаси эди. Ўша вақтдаги аҳли китоблар ўз динлари ва илоҳий китобларини бузган бўлсалар ҳам

муслмонларга мушриклардан кўра яқинроқ эдилар. Шунинг учун ҳам:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига амр қилинмаган нарсада аҳли китобларга мувофиқ иш қилишни яхши кўрар эдилар».

Албатта, Аллоҳдан амр келган ишларда бошқаларнинг қилмишига ҳеч қандай эцтибор йўқ. Аммо бацзи ишларда Аллоҳнинг амри йўқ бўлса, худди ўша ишни мушриклар бир хил, аҳли китоблар бошқа хил қиладиган бўлсалар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳли китобларнинг услубини танлар эдилар. Жумладан, сочни тарашда:

«Аҳли китоблар сочларини тушириб юришар эди».

Яцни, аҳли китоблар пешоналаридан фарқ очмай сочларини олдинга тушириб юрар эдилар.

«Мушриклар эса бошларидан фарқ очар эдилар».

Яцни пешонадан фарқ очиб, сочни икки ён томонга тараш мушрикларнинг иши эди.

Бу масалада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга амр келмаган эди.

«Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пешона сочларини тушириб юрдилар».

Бу билан аҳли китобларга мувофиқ иш тутиб, мушрикларга хилоф қилдилар. Вақти-соати етиб, у зотга Аллоҳ таолонинг амри келганда эса:

«Сўнгра, кейинроқ фарқ очдилар».

Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан келган бир неча ривоятларга кўра, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сочларини ювиб, сўнг фарқ очиб, тараб юрар эканлар.

2682. Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларининг олд қисми ва соқоллари мошгуруч эди. Мойласалар билинмай қолар эди. Бошлари тўзиб турганда билинар эди. У зотнинг соқоллари қалин эди».

Бир киши:

«Юзлари қилич мисоли эдими?» деди.

«Йўқ. Қуёш ва ой мисоли эди. Думалоқ эди», деди у».

Муслим ривоят қилган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)